

Беморликка сабр қилишнинг ажри улуғ



16:41 / 09.01.2023 2013

Буюк Қудрат соҳиби, чексиз неъматлар Эгаси, мўмин бандаларини дардлар билан имтиҳон қилиб, маҳрум этиши тортиқ бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин.

Матонат ва олий ҳиммат эгаларидан бири бўлмиш Абдуллоҳ ибн Мактум розияллоҳу анҳу туфайли Роббиси Ўзининг сўзида:

1. У афтини буриштирди ва юз ўгирди...
2. Ҳузурига кўзи ожиз киши келганига.
3. Қаердан биласан, эҳтимол, у покланар?
4. Ёки эслатма олар ва эслатиш унга манфаат берар. (Абаса сураси, 1-4-оятлар) дея танбеҳ берган Набийлар ва Расулларнинг саййиди, махлуқотларнинг афзали бўлмиш Пайғамбаримизга салавот ва саломлар бўлсин.

Аллоҳ таоло бандаларини кўплаб неъматларни бериб сийлаганидек, турли хил мусибатлар ва тузалмас дардлар билан имтиҳон қилади. Ушбу синовда банда Аллоҳнинг Ўзигагина талпинса, Ундан ёрдам сўраб, сабр қилса, гуноҳларини мағфират қилади ва чеккан дардига ажр-савоб беради.

Бу ҳақда Қуръони Каримда айтилади:

نَمِئْ يَشَبُّ مَكَّنَ وُلْبَنَلَو
نَمِئْ صُقَنَو عُوْجَلَو فُوْخَلَو
تَارَمُّثَلَو سُنْأَلَو لَأَوْمَأَلَو
نِي رِبْأَصْلَلِ رِشَبَو

“Албатта, сизларни биров очлик билан мол-мулкка, жонга, меваларга нуқсон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларга хушхабар беринг”

عَبِيصٌ مُمُهَتَبَأَصَأ إِذِإ نِي دَلَأ
هَيَلَأ أَنِإَو هَلَل أَنِإِ أُولِأَق
نُوعَجَار

«(Улар) ўзларига мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деганлардир”

نَمُتْ أَوْلَصٌ مُمُهَيَلَعَكِيَلُؤَأ
مُهَكِيَلُؤَأَو مُخَرَو مُمُهَبَر
نُودَتُهُمَلَأ

«Ана ўшаларга Роббиларидан салаватлар ва раҳмат бордир ва айнан улар, ҳидоят топувчилардир» (Бақара сураси 155-157 оятлар).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бир неча ҳадиси шарифларда касалликка сабр қилиш ва бериладиган ажр-савобни зикр қилганлар.

هل لا ىل ص يبن ل لاق
رمأل ابجع « : ملس و هيلع
هل هل ك هرمأ نإ ، ن مؤملا
الإ دحل ك لذ س يلو ، ريخ
ءارس هت باصأ نإو ، ن مؤملا
نإو ، هل اريخ ناكف ، ركش
ناكف ربص ءارض هت باصأ
م لسم هاور » هل اريخ

Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтадилар: «Мўмин кишининг ишига ажабланиман. Чунки унинг барча ишлари яхшиликдир. Бу (яхшилик) мўмин кишидан бошқаси учун эмас. Бордию, унга бирор хурсандчилик етса, шукр қилади, бундай қилиши ўзи учун яхшидир. Энди агар унга бирор бахтсизлик етадиган бўлса, сабр қилади, бу ҳам у учун яхшиликдир» (Имом Муслим ривояти).

Бемор доим Аллоҳ таолога бандалигини изҳор қилиб, Ўзидан шифо сўраши ва ушбу дуони ўқиши керак.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) барча касалликларга ва иситма чиққанида:

«Буюк Аллоҳнинг исми билан бошлайман. Улуғ Аллоҳнинг номи ила томирдан шовуллаб оқувчи қоннинг ва дўзах ўтининг ёмонидан паноҳ тилайман», деб айтишни ўргатганлар *(Имом Ибн Сунний ривояти)*.

Баъзилар дардга чалинса, сабрсизлик билан тақдирдан нолиб, бошқаларга ҳасрат қилади ёки ўзини ёлғиз ҳис қилиб, атрофдагилардан олиб қочади. Бу ҳолат Яратганнинг имтиҳонидан ўта олмай гуноҳкор бўлишга олиб боради. Аслида мўмин киши ҳар қандай ҳолатда Аллоҳ таолога яхши гумон қилиши, дардига сабр қилиб, У зотга янада кўпроқ тоатда, ибодатда бўлиши лозим. Шундагина, беморликка ваъда қилинган ажр-савобларга эришади.

Шу ўринда, ибратли воқеани келтирамиз. Токи, у туфайли бизларда офиятда шукроналик, беморликда сабр янада зиёда бўлса...

Абу Талҳа Юнус ибн Муҳаммад Абдусаттор айтади: “Бир куни Масжидун Набавийга кирган эдим. У ерда мени бирдан озғингина, кўркам соқоли ўзига ярашган, лекин иккала қўли қўлтиғи юқорисидан кесилган киши диққатимни тортди. У икки ёнга бироз тебраниб юрар, ёнидаги ҳамроҳи унинг йиқилиб кетмаслиги учун елкасига қўлини қўйиб борарди. У ногирон киши келиб, менинг ўнг томонимга ўтирди. Мен уни ҳуфтон намозигача кузатиб ўтирдим. Намозни адо этиб, уйимга қайтдим. Тўшакка ётар эканман, хаёлимни турли ўй-хаёллар чулғаб олди.

Ўша кеча туни билан кўзимга уйқу келмай, ўзимга турли саволларни берардим. У киши ўзи бошқалар ёрдамисиз бирор таом ея оладими, бирор ичимлик ича оладими? Кийимларини қандай кияди? Қишда, совуқ кунларда кечалари устини қандай ёпади? Ёрдамчисиз қандай таҳорат қилади? Уй эшиги ёпиқ бўлса, қандай очиб киради? Бошқа қўл билан бажариладиган ишларни қандай уддалайди? Қандай....? Қандай....? Туни билан шу каби саволларни ўйлаб чиқдим ва эртасига уни топиб, танишиш, кўришиб, унинг ҳолати, ички кечинмалари ҳақида сўрашни дилимга тугдим.

Кейинги куни у кишини излаб Масжидун Набавийга йўл олдим. Масжид

тахоратхонасига бориб, таҳорат олаётган эдим. Чап ёнимда ўша кечаги ногирон киши эгилиб тишлари билан сув жўмрагини бураяпти. Мен унга қўлим билан жўмракдан сувни очиб бердим. У киши менга миннатдорчилик билдирди ва эгилиб, жўмракдан оқаётган сув билан оғзини чайқай бошлади. Шунда ёрдамчиси келиб, унинг юзини ювиб, соқолининг ораларига бармоқлари билан сув етказиб, таҳлил қилди. Сўнгра оёқларини ювиб, таҳорат қилдириб бўлгач, масжид томон юрдилар. Мен ҳам улар билан юриб бордим. Йўлда у киши менга қараб-қараб қўяр, мен ҳам кузатиб борардим. Масжидга киргач, у киши билан ёнма-ён ўтирдик. Мен уни бир-икки савол бериб, суҳбатга тордим. Суҳбат давомида: “Эй Аллоҳнинг бандаси, ушбу ҳолатда ўзингизни қандай ҳис қиласиз? Роббингизнинг сизга битган тақдири борасида қандай ўйлайсиз?” деб сўрадим. У чиройли табассум қилиб:

«Менга Аллоҳнинг ўзи кифоядир, У бунча ҳам яхши вакил, бунча ҳам яхши Хожа ва бунча ҳам яхши ёрдам берувчидир» дея менга Аллоҳнинг каломидан ушбу оятларни ўқиб берди:

أَمْ أَلِإِنَابِي صِي نَل لُق
أَنَالُومَ وَهُ أَنَل هَل لَابَتَا
لَكَ وَتَيَلَفِ هَل لَابَعَو
نُونُومُ لَاب

«Бизга Аллоҳ ёзиб қўйган нарсадан ўзгаси зинҳор етмайди. У бизнинг Хожамиздир. Мўминлар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар» деб айт. (Тавба сураси, 51-оят).

هَذَبَعِ فَالِكِبُ هَل لَابَسِي لَاب

«Аллоҳ Ўз бандасига кифоя эмасми?!» (Зумар сураси, 36-оят).

Мен ҳеч ҳам нолимайман, фақат Яқуб (алайҳиссалом)нинг сўзларини айтаман:

يَنْزُحَ وَيُثَبِّتُكُمْ وَأُمِّنَا لِلَّهِ
هَلْ لِي إِلَهٌ إِلَّا

«У деди: «Албатта, мен дарду ҳасратимдан фақат Аллоҳнинг Ўзига шикоят қилмоқдаман» (Юсуф сураси, 86-оят).

У сўзида давом этиб: «Мен Роббимдан розиман, Мен Роббимдан розиман. Сизнинг олдингизда айтаманки, Аллоҳ таолони Робб деб, Исломни дин деб, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни Пайғамбар деб рози бўлдим. Мен доимо Аллоҳ таолодан дуо қилиб сўрайман: «Илоҳим мени қиёмат кунида шарманда қилиб қўймасин» деди.

Аллоҳга қасамки, мен унинг жавобларини тинглар эканман, гўё уни қаршимдаги сабр тоғидек кўрдим. У ҳар бир сўзида Аллоҳни зикр қиларди. Унинг юзи ва сўзидан тақдирдан нолиш ва ўкинч аломатлари буткул йироқ эди.

У киши Покистондан умра қилиш учун келган ҳофизи Қуръон экан. У ўз ҳолатидан Яратгандан рози бўлиб, доим одамларга насиҳат қилар ва «Аллоҳим қиёмат кунида мени шарманда қилиб қўймагин! Амин!» деб кўп дуо қиларди.

2022 йил Рамазон ойида муфтий Нуриддин ҳожи Холиқназаров ҳазратлари таровеҳда масжиддаги суҳбатларидан бирида юқоридагига ўхшаш ажойиб воқеани айтиб берди: «Тошкент шаҳридаги масжидлардан бирида имомлик қилаётган пайтимда Рамазон ойида таровеҳ намозида хатм Қуръон бўлаётган эди. Қори гўзал қироат қилар, биз ортида сомеъ эдик. Биздан орқароқдаги сафда доим намозга қатнаб турадиган намозхонлардан соқов, қулоғи эшитмайдиган бир киши ҳўнг-ҳўнг йиғлар, қори Қуръон ўқигани сари унинг овози кўтарилар эди. Намоз тугагач у билан кўришиб, имо-ишора билан ундан: «Нима учун намозда тинмай йиғладинг? Ваҳоланки сен Қуръонни эшитолмайсан, унга тушунмайсан» деб сўрадим. У: «Сиз Қуръонни қулоғингиз билан эшитасиз мен эса, қалбим

билан эшитаман дея кўксига ишора қилди». Унинг бу гапи менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Кўзимга ёш келиб, мен ҳам йиғлаб юбордим. Унинг эшитиш қобилияти буткул йўқ бўлсада, қалби билан Қуръонни ҳис қилар эди».

Бу икки ҳолатдаги қўлсиз ва эшитиш қобилияти йўқ кишиларнинг тақдирдан розилигини изҳор қилиб айтган жавоблари, сабр, ирода, ихлос ва ибодатга муҳаббат билан ҳаёт кечиришлари соғлом бўла туриб, озгина машаққат олдида тақдирдан нолиб, тоатда сусткашлик қиладиганлар учун ибратдир!

Шундай кишилар гарчи жисми заиф, дардманд бўлсада, лекин руҳи соғлом, ҳақиқий матонат эгалари ,иймони бақувват, комил мўминлардир.

Муҳаммад Зариф Муҳаммад Олим ўғли.